УДК 94 (575.1)

ҚАТАҒОН ҚУРБОНИ РАҲИМ ИНОҒОМОВНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Ў.Қ. Убайдуллаев

Мақолада Ўзбекистон Маориф халқ комиссари Раҳимжон Охунжонович Иноғомов ҳаёт йўли, унинг ўз муқобил ғоялари билан чиққанлиги, партия ва ҳукумат ишидаги камчиликлар ва йўл қўйилган хатоликларни очиқ-ойдин исботлаб берганлиги бирламчи манбалардаги материаллар ёрдамида очиб берилган. Бундан ташқари совет тарихшунослигида Р.О.Иноғомов фаолиятининг "иноғомовчилик" тамғаси остида, миллатчи-оғмачи сифатида қараб амалга оширилган талқинлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *Ўзбекистон, "иноғомовчилик", тарихий хотира, Маориф халқ комиссари, партия, қатағон, мустабид тузум, мухолифат.*

В статье освещается образ жизни наркома просвещения Узбекистана Рахимжона Ахунджоновича Иногамова, его альтернативные взгляды, опираясь на первоисточнихи доказал недостатки в работе партии и правительства, а также то допущенные ими ошибки. Кроме того, анализируется, что общественно-политическая деятельность Иногамова в советской историографии в угоду коммунистической идеологии необоснованно трактовалась как националистическая под ярлыком «иногамовщины».

Ключевые слова: *Узбекистан, «иногамовщины», историческая память, Народный комиссариат просвещении, партия, репрессии, диктатура, оппозиция.*

Янги Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида Ватанимиз тарихининг советлар даврида кечган энг мураккаб, зиддиятли воқеликларини ўрганиш, ундан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариш, бутун халқни, айниқса, ёшларни чинакам тарих билан қуроллантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир" [1. Б. 29]. Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг совет даври тарихидан ўрин олган сиёсий қатағон ва унинг фожиали оқибатларини тадқиқ этиш, қатағон қурбонларини номма-ном аниқлаш ва уларнинг қисматини ўрганиш, бугун ва келажак учун зарур бўлган илмий-амалий хулосалар чиқариш Ўзбекистон тарихшунослигида муҳим аҳамият касб этади.

2001 йилдан буён 31 август – "Қатағон қурбонларини ёд этиш куни" сифатида нишонлаб келинмоқда. Ватан фидойиларининг ҳаёти ва меросини ўрганиш, хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустабид тузум даврида юрт озодлиги учун курашган 100 мингдан ортиқ ватандошлар қатағонга учраган. Уларнинг қанчаси "халқ душмани" деган туҳмат билан шафқатсиз отиб ташланди. Яна қанчаси сургун қилиниб, азоб-уқубатларга дучор этилган. Оилалари пароканда бўлиб, мол-мулклари тортиб олинган. Бу мудҳиш жиноятдан муштипар момолар, оналар ҳам омон қолмаган. Минглаб аёллар бева, болалар етим қолган. Бу нафақат уларнинг авлодлари, балки бутун халқимиз юрагидаги оғриқдир. Шу боис орадан шунча вақт ўтса-да, барчамиз ўша даврни изтироб билан эслаймиз.

Мустабид тузум ўз ғояси, сиёсатига ёт бўлган бошқача фикрлашларга йўл қўймади. Биргина 1929 йил январидан 1933 йилгача

мустабид тузум республика миллий зиёлиларининг 250 вакили – ёзувчилар, журналистлар, ўқитувчиларни қатағон қилди, улардан кўплари отиб ташланди.

“Кўриниб турибдики, катта салоҳиятга эга етакчилар, олимлар, адиблар, шифокорлар, ўқитувчилар қатағон қилинган. Улар халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Мустабид тузумга миллат кўзини очадиган унга ўзлигини танитадиган зиёли инсонлар керак эмас эди. Уларни айби – буюк бўлгани”, – деди Шавкат Мирзиёев [2].

Ўша вақтдаги партия ва ҳукумат олиб бораётган сиёсат нафақат миллий арбобларни, балки марказдан келган бир гуруҳ сиёсий арбобларни ҳам ташвишга солганди. Бу ҳолат Ўзбекистон партия ташкилотларидаги мухолифат кучларни янгидан чиқишларига туртки бўлганди. Партия йиғилишларида мавжуд камчиликларни рўй-рост айтиш, йўл қўйилган хатоларни тузатиш учун ўз муқобил ғояларини таклиф этиш ҳоллари кучаяди. Бу вақтда Ўзбекистон Компартияси МҚ ижроия бюроси аъзолигига номзод, ЎзКП(б) МҚ матбуот бўлими мудири ва Ўзбекистон Маориф халқ комиссари Раҳимжон Охунжонович Иноғомов ўз муқобил ғоялари билан чиққан эди. Партия ва ҳукумат ишидаги камчиликлар ва йўл қўйилган хатоликларни очиқ-ойдин исботлаб, республикада ислоҳотларни ўтказишда ўзига хослик йўлидан боришни таклиф этган Иноғомов фаолияти совет тарихшунослигида “иноғомовчилик” тамғаси остида миллатчи-оғмачи сифатида талқин этилган. “Иноғомовчилик”нинг асл моҳиятини тўла ёритиш учун архивларда жамланган кўплаб ҳужжатларга мурожаат этиш, шахсан Р.Иноғомовнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати архивида Раҳим Иноғомовни айблаш бўйича П-27686-иш сақланмоқда. У “Миллий истиқлол” ташкилоти аъзоси сифатида халқ маорифи тизимида аксилсовет фаолият олиб борганликда айбланиб, 1937 йил 25 августда 4587-рақамли ордер билан Москва шаҳри, Садово-Земляной массиви, 34 уй, 73-хонада яшаётганида ҳибсга олинган. 1937 йил 10 сентябрда Р.Иноғомовга маҳбуслик анкетаси берилган. Унда 1902 йилда Тошкентда туғилгани, “инқилоб”га қадар отаси қарамоғида, сўнг ўзи мустақил яшагани, Москвадаги АТЭ электрозаводида ишлагани, ОИЗ кенгаши раиси бўлгани, Свердлов номидаги коммунистик университетнинг партия бўлимини битиргани, 1926 йилдан 1936 йилгача ВКП(б) аъзоси бўлгани, партия тозаловида ўчирилиб, ҳозирда ВКП(б)га номзодлиги, хотини Тошкентда, у билан ажрашганига икки йил бўлгани, отасининг Тошкентда, укаси Ленинградда яшаши қайд этиб ўтилган [3. Б. 23].

Анкета билан танишган ҳар бир киши Р.Иноғомовнинг яқинлари, қариндошлари бормикин, деган саволга дуч келади. Чунки миллий арбоб Р.Иноғомов ўз яқинлари қатағон домига тортилишининг олдини олиб улар ҳақида бирор маълумот ёзмаган. Суриштиришлар натижасида Тошкент шаҳри Нишон Раҳимов кўчаси 14-уйда истиқомат қилган укаси Олимжон Иноғомов билан танишиш ва суҳбат қилишга муваффақ бўлганмиз, бунда марҳум таниқли тарихчи олима Розия Галиевна Муқминова яқиндан ёрдам кўрсатган эди.

2002 йил 15 июнь куни ўтказилган суҳбатда Олимжон ота қуйидагиларни айтиб берганди: “Акамнинг исми шарифи аслида Абдураҳим Охунжонович Иноғомов, акамиз оилада фарзандларнинг энг каттаси бўлган. Мен ота бир она бошқа укасиман. Акамнинг укаси Юсуфжон Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган. Отам раҳматли Охунжон ака 1872 йилда таваллуд топган экан. Отам асосан деҳқончилик билан шуғулланган, 1-2 гектар хусусий боғи ҳам бўлган. Дадам ўз даврининг илғор кишиси бўлган, ҳозирги маҳалла қўмитаси раиси лавозимларида ишлаган. 1964 йилда вафот этган. Раҳимжон акамни яхши эслайман, акам қаддиқоматли, маданиятли, кийган кийимлари ўзига ярашиб турадиган, ширин муомалали, ўта синчков киши эди. Акам қайси соҳада маъруза қилмасин бирор қоғозга қарамай эркин, равон, тушунарли қилиб гапирарди. Буни унинг замондошлари, у билан бирга ишлаганлар кўп айтишган. Раҳимжон акам ўта зиёли киши бўлган, у кўплаб китобларнинг муаллифи бўлган. Ўз даври фан ютуқларидан бохабар бўлиб, уларга ўз фикрини билдира олган. Рус тилида равон

сўзлаган. Акам 22 ёшида Маориф халқ комиссари бўлган ва шу йили Рябова исмли рус аёлига уйланган. Бу аёл 1980 йилларда вафот этган. Раҳимжон акам турли билимгоҳларда таҳсил олган, Москвада партия олий мактабини ҳам битирган. Шу боис бўлса керак, акам балоғат ёшига етгач уйда кам бўларди. У қатағонга учрагач, отам акамга дахлдор бўлган барча ҳужжатларни ёқиб юборганди. Менимча, буни акамни ўзи айтиб юборган бўлса керак. Шунинг учун акам ҳақида кўп нарсаларни айтиб бера олмайман. Фақатгина у кишидан қолган 3–4 расмдан бошқа ҳеч нима қолмаган. Қанчалик биз Раҳимжон акамга ўзимизни бегона қилиб кўрсатмайлик, бари бир таъқиблар бўлган эди. Мен 1937 йилда институтга кириб 1941 йилда уни тамомлаганман. Шу йили ҳамма битирувчиларни ҳарбий комиссариат тиббий кўрикдан ўтказган ва бизларни ҳарбий муҳандис сифатида фронтга жўнатишмоқчи бўлишган. Шунда мени "халқ душмани"нинг укаси сифатида ҳарбий хизматга олишмаган. Шундан сўнг Товоқсой ГЭСини ишга туширишда иштирок этганман. 1942 йил май ойида Чилонзор райони Оқтепа ГЭСига ишга келганман. Очарчилик авжига чиққан вақтларда тақсимланадиган қора нон ҳам атайин менга кам бериларди. Ҳозир ўйлаб қарасам бу таъқиблар ҳукумат томонидан амалга оширилган экан" [4].

Раҳимжон Иноғомов ўзбек халқининг маърифатли бўлишига хизмат қиладиган кўплаб асарлар яратган. Ҳозирда Алишер Навоий номли республика Миллий кутубхонаси фондларида сақланаётган эски ўзбек ёзувидаги қуйидаги асарлари мавжуд: "1905 йил воқеаси". – Тошкент: Ўздавнашр, 1925; "Ўзбек зиёлилари". – Тошкент: Ўздавнашр, 1926; "Янги алифбо тўғрисида". – Самарқанд–Тошкент: Ўздавнашр, 1926.

1926 йил 12–14 ноябрь кунлари Москва шаҳрида Бутуниттифоқ марказий ижроия қўмитаси аъзолари иштирокида турли миллат вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтади. Ушбу йиғилишдан ВКП(б) МҚнинг хабари бўлмаган, уни Турор Рисқулов ўз ташаббусига кўра чақириб, ўзи раислик қилган. Бу йиғилиш гўёки, ўша пайтда ВКП(б) МҚ сиёсий бюросининг "РСФСР, миллий республикалар ва вилоятларни ташкил қилиш комиссияси"га ёрдам бериш мақсадида чақирилган эди. Комиссияга М.И.Калинин бошчилик қиларди. Йиғилиш иштирокчилари партиянинг марказий бошқарув органларида миллатлар вакиллиги бўлишини, яъни ВКП(б) МҚ таркибига миллатлар вакиллари ҳам киритилишини, Москвадаги ҳар бир халқ комиссарлигида (яъни вазирликларда) миллий республикаларнинг махсус вакили бўлишини талаб қиладилар. Улар МҚ аъзолигига сайловларни ҳар бир миллий республика ва вилоятдан мутаносиб равишда ва миллий анъаналарга қараб ўтказилишини назарда тутган эдилар.

Бу даврда Р.Иноғомов Ўзбекистонда миллий манфаатларни кўзлаб партия олиб бораётган сиёсатдаги нуқсон ва камчиликларни очиб ташлаганди. Аслида Иноғомовнинг мухолифат ҳаракати 1924 йил 5 сентябрда У.Эшонхўжаев ва Х.Бурнашевлар билан биргаликда партия Бош котиби И.В.Сталин номига йўллаган хатидаёқ бошланганди. Унда Туркистон партия ташкилотида юзага келган салбий, оғир вазиятни, айрим миллий ходим, раҳбарларга қарши ноҳақ тазйиқлар бўлаётгани, айниқса, миллий кадрлар асоссиз равишда раҳбарлик лавозимларидан бўшатилаётгани кўрсатилганди [5. Б. 361]. Партия "иноғомовчилик"ни миллий оғмачиликда айблаган пайтда Самарқанддаги "бешлар гуруҳи" ва бошқа мухолифат кучлар "иноғомовчилик"ни "маҳаллий миллат коммунистларининг партиянинг миллий сиёсатидан яширин норозилигининг оғриқли бир кўриниши" деб баҳоладилар [6. Б. 126].

Ўзбекистондаги мустамлакачилик ҳолатини очиқ-ошкора фош эта олган Р.Иноғомов "Зиёлилар тўғрисида" номли мақолада ўзбек миллий зиёлиларининг октябрь тўнтаришигача ва ундан кейинги фаолияти ҳақида шундай ёзган: "Октябрь ўзгариши ўзбек халқи учун кутилмаган бир воқеа эди. Ва унга ўзбек меҳнаткашлари ҳозирлик кўрмаган эдилар. Чунки ўзбеклар орасида ўзгаришга ҳали замин ҳозирланмаган эди... Ўзбеклар орасидаги октябргача бўлган ҳаракатнинг энг кучли йўли ёлғиз руслар-га ва рус истибдод ҳукуматига қарши бўлиб мустақилликка интилишда тарихий ролни зиёлилар ўйнаган" [7]. 1926 йилда "Ўзбек зиёли-

лари” номли китоб ҳам чоп этилган. Китобнинг “Аъроф”да қолган зиёлилар” қисмида муаллиф зиёлиларнинг уч гуруҳини кўрсатиб ўтиб, зиёлиларнинг фаоллиги сусайиб бораётгани ва улар ўртасидаги бўлинишларни қаттиқ танқид қилади: “...Шўро зиёлиларидан ва “миллатчи” зиёлилардан бошқа яна ўрта зиёлилар бордурким, булар шу икки томоннинг ўртасида қайси томонга қўшилишларини билмасдан хайрон бўлиб қолган зиёлилардур. Булар на сиёсатда фаол бўладилар ва на сиёсатни тамом ёмонлай оладир. ...Буларнинг бундай Аърофда қолишларининг нима кераги бордир! Ҳар бир нарсада киши серҳаракат ва фаол бўлиши керак. Агар бундай бўлмас экан, ул умумий ишга зарар бўлғусидир. ...Фаол бўлиш керак экан, демак, ҳар қандай бузуқ таъсирлар билан курашмоқ лозимдир” [8. Б. 35].

Зиёлиларнинг фаоллиги жамиятдаги нуқсонларни бартараф этишни тезлатиши мумкинлигини таъкидлаб, у шундай ёзган: “Европаликлар тўғрисида фикр юритиш бу мақоланинг вазифаси эмас. Лекин қисман европа зиёлиларининг ва умуман европаликларнинг ҳам орасида ўзбекларга мустамлака назари билан қарашлар тўғрисида қисқа ёзиш керак. Европаликларнинг орасидаги миллатчилик назари шубҳасиз ўзбек зиёлиларининг кўз қарашида жуда ёмон бўлиб, уларнинг миллатчилигини тағин ҳам қўзғатиб юборади. Қисман европаликларнинг мустамлака руҳидалиги умуман биз учун энг ёмон зарардир” [8. Б. 37].

ЎзССР МИҚ Президиуми 1926 йил 27 январида Раҳим Иноғомовни халқ маорифи комиссари лавозимидан бўшатади [9. Б. 14]. Р.Иноғомов 1927 йилда ЎзКомпартия пленумларида ва бошқа нутқларида истиқлол руҳидаги бир қатор соғлом фикр-ғояларни, яъни ЎзКомпартия Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши курашмаётгани, марказнинг Ўрта Осиё бюроси, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши каби “назоратчи” органлари зўравонлик қилаётганини билдирган. Унинг бу фикрлари партиянинг кучига ишонмасликда, партиянинг Ўрта Осиё миқёсида ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси раҳбарлик ролини инкор этиб, уни тугатишни талаб қилганликда, марказдан юборилган раҳбарлар билан бирга ишлашга қарши чиққанликда, партия ташкилотини байналминал ғояларидан четга чиққанликда” деган айбларга йўйилди. У Ўзбекистон Компартиясини ВКП(б)дан, Ўзбекистон ССРни Совет Иттифоқидан ажратишга ҳаракат қилишда ҳам айбланади [10. Б. 37]. Иноғомов қарашлари Самарқанд, Фарғона, Тошкент округларидаги бир қатор партия ва совет идоралари раҳбар ходимларидан Н.Мавлонбеков, И.Исамуҳамедов, Шермуҳамедов, М.Алимов, Хўжаев, А.Бобоназаров ва бошқалар томонидан қўллаб-қувватланади.

Иноғомовчилар ўзларининг миллий ғоялари моҳиятига кўра республикада демократияни кенгайтириш, фракциялар ва группировкаларга эркинлик беришни талаб қилиб миллий буржуазия вакиллари, қишлоқдаги ўзига тўқ хўжаликлар манфаатини ва синиб бораётган ҳунармандлар манфаатини ҳимоя қилганлар. Ўз муқобил ғоялари билан чиққан бу миллий арбоб маҳаллий хусусиятларни эътироф этган ғояларига ҳеч бир алоқаси бўлмаган троцкийчи-зиновьевчилар билан узвий алоқадорликда ва уларнинг кўрсатмаларини бажарганликда айбланди. Ваҳоланки, Раҳим Иноғомовнинг мустабид тузумга барҳам бериш ҳақидаги ғоялари шахсан унинг мустақил фикрлари эди.

Ўзбекистон КП(б) МҚ ижроия бюроси иноғомовчиликнинг антипартиявий моҳиятини таърифлаб, ўзининг 1927 йил 16 январдаги қарорида: “миллатчи-оғмачилар социализм ғалабасига ишончларини йўқотиб қўйдилар, партиянинг ижодий кучларига ва унинг раҳбарлик ролига ишончсизлик билдирдилар, партияни интеллигенциянинг фаоллигини камситишда айблайдилар” [11. Б. 3] деб кўрсатди. Ўзкомпартия Марказий Комитетининг биринчи котиби В.И.Иванов “иноғомовчилик” бўйича қилган маърузасининг якунловчи қисмида: “Раҳим Иноғомов ўз атрофига партия аъзоларидан иборат бўлган маслакдошларни тўплаган ва гуруҳ ташкил этиб марказий партия қўмитаси олиб бораётган сиёсатга нисбатан мухолифатда бўлган янги фракцион тартибларни ва демократияни ўрнатмоқчи бўлган. Аслини олганда бу фракцияларни жонлантириш эмас, балки майда буржуа манфаатларини ҳимоя қилишдан ўзга нарса эмас. Иноғомов

ҳаммага, айниқса, демократияга интилаётган реакцион зиёлиларга ўз таъсирини ўтказди. Шу боис иноғомовчилик масаласи майда буржуа ҳаракати деб баҳоланиши ва партия томонидан муҳокама этилиб жазоланиши керак" дея хулоса қилади. У ўз сўзини давом эттириб, "Иноғомов – бу марказий қўмитада ўнглар оқими тарафдори бўлган ва халқни ўз ғоялари атрофида жипслаштира оладиган ягона кишидир. У ўз атрофига майда буржуа вакилларини, савдогарлар, солиқ сиёсатидан норозилар, пахта мустақиллигига қарши бўлганларни, шахсий маблағларига эга табақаларни бирлаштирган" [11. Б. 2–6] деб айтади.

Қашқадарё округ қўмитасининг 1927 йил февраль ойидаги 4-пленуми иноғомовчиликни "шовинистик кайфиятдаги миллий зиёлилар ғояларининг инъикосидир" деб қоралади [11. Б. 42]. "Иноғомовчилик"нинг моҳияти компартия мафкурасига кўра қуйидагича талқин этилган: "Ўз хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда Раҳим Иноғомов 1926 йилнинг охирида матбуотда "Ўзбек зиёлилари" деб номланган рисола билан чиқади. Ушбу рисолада у бир томондан буржуа зиёлиларига етарли даражада баҳо бермаган, иккинчи томондан зиёлиларнинг роли умуман бўрттириб кўрсатилган, зиёли раҳбарларнинг Октябрь воқеалари ва ундан кейинги даврдаги инқилобий фаолиятини етарли баҳоламаган. Гўёки зиёлилар инқилоб курашчиларининг ҳал қилувчи қисмида бўлган эмишлар. Зиёлиларни синф деб санаб, Иноғомов инқилобнинг ғалаба қозонишида миллий зиёлилар ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деган идеалистик концепцияни илгари сурди. У "бутун куч – билимда" деб таъкидлаб, ўз концепциясидан келиб чиққан ҳолда ишчилар синфининг инқилобдаги ва социалистик қурилишдаги раҳбарлик ролини камситиб кўрсатди. Амалда бу ишчилар ва меҳнаткаш деҳқонларни раҳбарлик лавозимларига қўйилишига қаршилик қилишда ва зиёлиларнинг халигача миллатчилик кайфиятидан халос бўлмаган қисмига таяниб иш кўришга интилишда намоён бўлди" [11. Б. 35].

Иноғомов партияни диктаторликда айблаган ва "кенг демократия" эълон қилинишини талаб қилган. У турли ғайрисовет бирлашмалар ва жамиятларнинг фаолияти эркин бўлиши, улар мамлакатни идора қилишда иштирок этишлари керак, деб чиққан миллий арбоб эди [11. Б. 54]. У партияни танқид қила бориб унинг раҳбарлик ролига шубҳа билан қараганликда, большевизмни миллатчилик билан алмаштириб юборганликда пролетариатнинг раҳбарлик ролини мустамлакачилик билан тенглаштирганликда, партиянинг, айниқса, ЎзКП(б) МКнинг кучига ишонмай қўйганликда ҳамда фракция ишини ташкил қилганликда ҳам айбланади [11. Б. 3].

Иноғомовчилар тугал, расмийлашган дастурни илгари суришга улгуриб етмадилар. Бироқ уларнинг қарашларида жадидчилик мафкураси ғоялари сезилиб турарди. Заки Валидий ва Мустафо Чўқай иноғомовчиликни "жасур ўзбек коммунистларининг ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши диктатурасига қарши норозилиги" деб баҳолаганлар. Туркистон муҳожирлари Иноғомов билан якдил бўлганлар. Мустафо Чўқаев "Раҳим Иноғомов бошчилигидаги бир гуруҳ ўзбеклар қатъият билан ўзбеклар учун ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини, тўла ва ҳақиқий мухторият йўлидаги тўсиқларни олиб ташлашни, ҳамда Ўрта Осиё бюросининг Туркистон устидан раҳнамолигини тугатиш"ни талаб қилганликлари сабабли Иноғомовни ўзига иттифоқчиликка, ҳамфикрликка олишга тайёр эди. У Истанбулда Усмонхўжа Пўлатхўжаев томонидан ташкил қилинган "Янги Туркистон" журналида иштирок этишга таклиф қилинган эди. Табиийки, таклифни Иноғомов қабул қила олмаган, унинг мустабид тузум чангалидан хорижга кетишига имкон йўқ эди.

ЎзКП(б) МҚ ижроия бюроси 1927 йил 16 январда вилоят, шаҳар, туман партия қўмиталарига йўллаган мурожаатида "иноғомовчилик"нинг буржуа-миллатчилик моҳиятини очиб беришга уриниб, унга мана бу баҳони берган: "Иноғомовчилик буржуа демократизми платформаси томон оғиб кетган, инқилобий истиқболга ишончни йўқотган, партиянинг ижодий кучлари ва унинг раҳбарлик қобилиятига ишонмай қўйган, зиёлиларнинг инқилобдаги ролига ортиқча баҳо берган, партия сафларидаги бирликни бузиш ва гуруҳбозлик курашини олиб боришга интилган" [11. Б. 53]. Бу

мазмундаги хат Москвадаги Ўзбекистон ваколатхонаси вакили А.Тожиевга ҳам юборилиб, уни МКга етказиш ва коммунистлар ўртасида муҳокама қилиш, Москвада таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабаларга етказиш буюрилган.

“Иноғомовчилик”ни тугатишда ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси раиси И.А.Зеленский, ВКП(б) Марказий назорат комиссиясининг Ўрта Осиё бўйича вакили Д.И.Манжара, ЎзКП МҚ котиблари В.И.Иванов, А.Икромов ва бошқалар катта роль ўйнадилар. Бироқ Иноғомов ўз нуқтаи назаридан, қарашларидан воз кечмади. ЎзКП(б) МҚнинг 3-пленумида (1926 йил май) ўз позициясини, айниқса, октябрь “инқилоби ғалабаси”да зиёлиларнинг роли борасидаги қарашларини ҳимоя қилди, пленумдан кейин ҳам у ўз фикрида қолди. ЎзКП(б) МҚ ижроия бюроси 1926 йил 12 декабрда Иноғомовни ЎзКП(б) МҚ матбуот бўлими мудири лавозимидан озод қилди. ЎзКП(б) МҚ 1927 йил 16 январда “иноғомовчилик”ни қайтадан текшириш учун махсус комиссия тузади. 1927 йил 16 октябрида унга қаттиқ хайфсан эълон қилинди [12]. Иноғомовни партия сафидан чиқариш зарурлиги қарорда кўрсатиб ўтилганди. Аммо унга қўйилган айб исботланмагач, Иноғомовга ўз хатосини англаб етиш, партияга қарши курашдан воз кечишга “имконият” берилган, у Қашқадарёга ишга юборилади. Аммо Р.Иноғомов ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси раиси И.А.Зеленскийга хат йўллаб ўз позициясини ҳимоя қилишга ва қўйилган айбларни инкор этишга ҳаракат қилган. Унинг қарашларига қарши матбуотда чиқишлар ташкил қилинди ва Иноғомов ўз “хатолари”ни тан олишини кутдилар. Лекин у ўз ғояларидан ва партия амалга ошираётган ишларга қарши муқобил фикрларидан қайтмади, мухолиф ҳаракатларини давом эттираверди. Унга Қашқадарё округи ер бўлими мудири бўлиб ишлаган даврида, 1929–1931 йиллари пахтачилик ва чорвачиликда зараркунандалик қилган, чорвадорларнинг оммавий кўчишини ташкил этган, шу йўл билан жамоалаштириш, қулоқ қилишга қарши турган деган айблар қўйилади [13. Б. 46].

1929–1930 йиллардаги партия тозаловида кўплар қатори Р.Иноғомовнинг ҳам ўз қилган “хато”ларидан воз кечиб тавба қилишига эришиш учун ҳаракат қилинди. Ниҳоят, 1930 йилнинг апрелида Р.Иноғомов ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросига, ЎзКП(б) МҚга, ЎзКП(б) Марказий назорат комиссиясига ва ЎзКП(б) Қашқадарё округ комитетига ўз хатоларини тан олган ҳолда баёнот ёзишга ва газета муҳарририятига унинг баёнотини чоп этиш тўғрисида тегишли кўрсатма берилишини сўрашга мажбур бўлди. 1930 йил 30 майда “Правда Востока” газетасида унинг очиқ хати эълон қилинади. Унда “партиянинг республика миллий кадрлар борасидаги йўлини танқид қилганим нотўғри бўлган. Чунки мен партиянинг миллий сиёсатини, миллий кадрларни давлат, партия ишларига жалб қилиш борасидаги фаолиятини яхши билмаганман”, деб тавба қилдирилади [14. Б. 321]. Бу, албатта, уюштирилган хат эканлиги яққол сезилиб туради. Чунки Р.Иноғомов ҳар қандай сиёсий тазйиқлар ва таъқиблар бўлган оғир вақтларда ҳам ўз қарашларида собит турган.

1931 йил 9 апрелида ЎзКП(б) МК ва Марказий Назорат Комиссияси қўшма йиғилишида “иноғомовчилик” ва оғмачи гуруҳлар масаласи кўрилиб, Эшонхўжаев, Шермуҳаммедов, Мавлонбеков каби миллий арбобларга қарши кураш кампанияси авж олди. Натижада Р.Иноғомов ва бошқалар Москвага кетиб, турли жойларда хизмат қилишга мажбур бўлдилар.

1937 йил 25 августда Москва шаҳрида ҳибсга олинган Раҳимжон Иноғомов 10 сентябрдан 1938 йил 3 октябригача тергов қилинди. Шу орада уни Тошкентга олиб келишди, кўпдан-кўп сўроқлар, гувоҳлар билан юзлаштиришлар бўлди [15. Б. 385–389].

1937 йил 26 декабрида ЎзССР НКВД хавфсизлик комитети бошқармаси 3-бўлими Иноғомов иши юзасидан терговни якунлаб, уни ЎзССР Жиноят Кодексининг 60- ва 67-моддалари билан айблади. Тергов хулосасида Раҳимжон Иноғомов 1931–1937 йилларда Москвада бўлган чоғида аксилшўровий миллатчилар А.Икромов, Шермуҳаммедов, У.Эшонхўжаев, А.Тожиев, М.Турсунхўжаевлар билан доимий равишда алоқада бўлгани ҳамда “Миллий истиқлол” ташкилотининг фаол аъзоси эканлиги таъкидлаб ўтилган. “Айбдор”ни ЎзССР жиноят кодексининг 57-1, 63, 67-мод-

далари билан СССР Олий ҳарбий суди коллегиясида қараб чиқилишига ва унга нисбатан 1934 йил 1 декабрдаги қонунни қўллашга қарор қилинади. Аммо иш қайта кўрилиб, 1938 йил 2 октябригача чўзилиб кетади. 1938 йил 4 октябрда Тошкентда СССР Олий ҳарбий суди коллегиясининг сайёр сессиясида Раҳимжон Иноғомов отувга ҳукм қилинди. Ҳукм 1938 йил 5 октябрида ижро этилди [3. Б. 24]. Совет тузумига қарши мухолифат куч сифатида қарши турган миллий арбоб, ўз замонасининг етук зиёлиси, эндигина 36 баҳорни қаршилаган Раҳимжон Иноғомов истиқлол йўлида шаҳид кетди. Ўзбекистон ССР Олий Суди жиноий ишлар суд коллегиясининг 1957 йил 1 августдаги ажримига кўра СССР Олий ҳарбий суди коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 4 октябрда Раҳим Иноғомовни отувга ҳукм этган қарори бекор қилинди ва унинг табаррук номи оқланди [3. Б. 28].

Халқ маорифи комиссари Раҳимжон Иноғомов номи билан боғлиқ ва “иноғомовчилик” номини олган гуруҳ ўз миллатини, маориф ва маданият соҳасидаги ҳуқуқини ҳимоя қилгани, миллий зиёлиларни жамият тараққиётидаги ролини кўрсатиб бергани учун миллатчилар сифатида айбланди, таъқиб остига олинди. Қашқадарё округининг энг чекка қишлоғида ишлаш учун юборилган Раҳимжон Иноғомов ўз ғояларидан кечмади. Унинг босиб ўтган ибратли ҳаёт йўли, фаолияти ва кураши мухолифат ҳаракати тарихини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. *Мирзиёев Ш*. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.

2. Президент Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 31 август куни Шаҳидлар хотираси хиёбонига ташрифи пайтидаги нутқидан. https: // www. gazeta. uz/ uz/2021/08/31/president/ (Мурожаат этилган сана: 28.07.2021)

3. Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлик хизмати архиви, 56-жамғарма, 2-рўйхат, 27686-иш.

4. Хотира муаллиф томонидан 2002 йил 15 июлида ёзиб олинган.

5. *Шамсутдинов Р.Т*. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 456 б.

6. *Юлдашев Х*. Роль Компартии Узбекистана в разгроме троцкистско-зиновьевского блока. – Ташкент: Узбекистан, 1980. – 542 с.

7. Қизил Ўзбекистон. 1926 йил 16 январь, 8–10-сонлари.

8. *Иноғомов Р*. Ўзбек зиёлилари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1926. – 326 б.

9. Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА), Р-86-фонд, 1-рўйхат, 1930-иш.

10. *Йўлдошев Х*. Троцкизм-ленинизмнинг ашаддий душмани. – Тошкент: Ўздавнашр, 1976. – 342 б.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви, 58-фонд, 3-рўйхат, 270-иш.

12. *Рахмонов К.* Узбекские просветители // Правда Востока, 17 октября 1927 г.

13. *Шамсутдинов Р.Т.* Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 326 б.

14. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. /Китобда: Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида / Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камолов ва бошқ. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 688 б.

15. *Шамсутдинов Р.* Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 446 б.

LIFE OF THE VICTIM OF REPRESSION RAKHIM INOGAMOV

U.K. Ubaydullaev[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2021. 5(57). 58-66.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: Uzbekistan, “inogamism”, historical memory, People’s Commissariat of Education, party, repression, dictatorship, opposition.

The article reveals the life style of the People’s Commissar of Education of Uzbekistan Rakhimjon Akhundzhonovich Inogamov, his alternative views, shortcomings in the work of the party and government, as well as the fact that he clearly proved his mistakes in primary sources. In addition, it is analyzed that Inogamov’s activities were interpreted in Soviet historiography as nationalist under the label of “inogamovism”.

The policies pursued by the party and the government during the Soviet era worried not only national figures but also a group of politicians from the center. This prompted the re-emergence of opposition forces in Uzbek party organizations. There are more and more cases of telling the truth about the existing shortcomings at party meetings and proposing their own alternative ideas to correct the mistakes. At that time, Rahimjon Akhunjonovich Inogamov, a candidate for membership in the Executive Bureau of the Central Committee of the Communist Party of Uzbekistan, head of the press department of the Central Committee of the Communist Party of Uzbekistan and People’s Commissar for Education of Uzbekistan, came up with alternative ideas. Inogamov’s work has been interpreted in Soviet historiography as a nationalist under the label of “inogamovism”, clearly proving the shortcomings and mistakes in the work of the party and the government, and proposing to follow the path of originality in carrying out reforms in the republic. In order to fully cover the essence of “Inogamov”, it is necessary to refer to the documents collected in the archives, to the study of the life and work of R. Inogamov.

Rahimjon Inogamov, a national figure who stood as an opposition force against the Soviet regime, a mature intellectual of his time, who had just welcomed 36 springs, was martyred on the way to independence. According to the ruling of the Judicial Board of Criminal Cases of the Supreme Court of the Uzbek SSR of August 1, 1957, the decision of the traveling session of the Board of the Supreme Military Court of the USSR on October 4, 1938 to sentence Rahim Inogamov to death was overturned and his sacred name was acquitted. The group, named after People’s Commissar for Education Rahimjon Inogamov and called “Inogamovism” was accused of persecuting nationalists for defending their nation, their rights in education and culture, and for showing the role of national intellectuals in the development of society. Rahimjon Inogamov, who was sent to work in the most remote village of Kashkadarya district, did not give up his ideas. His exemplary life, activity and struggle play an important role in shedding light on the history of the opposition movement.

References:

1. Mirziyoyev, Sh.(2017) Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz [We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level]. Volume 1. Tashkent: Uzbekistan.

2. Prezident Sh.Mirziyoyevning 2021 yil 31 avgust kuni Shahidlar xotirasi xiyoboniga tashrifi paytidagi nutqidan [From the speech of President Sh. Mirziyoyev during his visit to the Alley of Martyrs on August 31, 2021]. [Online]. URL: https: // www. gazeta. uz/ uz/2021/08/31/president/ (Date of access: 28.09.2021)

3. O‘zbekiston Respublikasi davlat xavfsizlik xizmati arxivi, [Archive of the State Security Service of the Republic of Uzbekistan]. Fund-56, List-2, collected volume-27686.

4. Xotira muallif tomonidan 2002 yil 15 iyulida yozib olingan [The memoir was recorded by the author on July 15, 2002].

5. Shamsutdinov, R.T. (2001) Istiqlol yo‘lida shahid ketganlar [Martyrs on the way to independence].

Tashkent: Shark.

6. Yuldashev, X. (1980) Rol Kompartii Uzbekistana v razgrome trotskistsko-zinovevskogo bloka [The role of the Communist Party of Uzbekistan in the defeat of the Trotskyite-Zinoviev bloc]. Tashkent: Uzbekistan.

7. Qizil O‘zbekiston (1926) [Red Uzbekistan]. 16 January. No. 8-10.

8. Inogomov, R. (1926) O‘zbek ziyolilari [Uzbek intellectuals]. Tashkent: Uzdavnashr.

9. O‘zbekiston Milliy Arxivi (O‘zMA) [National archive of Uzbekistan. (NA of Uz)]. Fund – P 86. List-1, Folding Volume-1930.

10. Yuldashev, X. (1976) Trotskizm-leninizmning ashaddiy dushmani [The worst enemy of Trotskyism-Leninism]. Tashkent: Uzdavnashr.

11. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi arxivi [Archive of the Administration of the President of the Republic of Uzbekistan]. Fund – 58. List-3, Folding Volume-270.

12. Rakhmonov, K. (1927) O‘zbek ma’rifatparvarlari [Uzbek enlighteners] Pravda Vostoka , October 17.

13. Shamsutdinov, R.T. (2001) O‘zbekistonda sovetlarning quloqlashtirish siyosati [Soviet policy of kulak making in Uzbekistan].Tashkent: Shark.

14. Dzhuraev, M. (Compiled by) (2000) O‘zbekistonning yangi tarixi. Ikkinchi kitob. / In: O‘zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida [New history of Uzbekistan. Book 2. Uzbekistan during the period of Soviet colonialism]. Tashkent: Shark.

15. Shamsutdinov, R. (2003) *Istiqlol yo‘lida shahid ketganlar* [Martyrs on the way to independence]. Tashkent: Shark.

Муаллиф ҳақида маълумот:

УБАЙДУЛЛАЕВ Ўктамжон Қодирович – тарих фанлари номзоди, Андижон давлат университети Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси доценти.

E-mail: uktamjon@list.ru